



## ДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

*Атаниязова Максуда Балтабаевна,*

*PhD, А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети Тошкент шаҳар филиали, гуманитар фанлари факультети декан муовини, Ўзбекистон, Тошкент*

*Email: [maksuda.ataniyazova@mail.ru](mailto:maksuda.ataniyazova@mail.ru),*

*ORCID:0009-0000-9403-6693*

## FOREIGN EXPERIENCE IN ORGANIZING PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIPS

*Ataniyazova Maksuda Baltabayevna,*

*PhD, Branch of the Russian State Pedagogical University named after A.I. Herzen in Tashkent, Deputy Dean for Academic Affairs, acting associate professor Tashkent, Republic of Uzbekistan Email: [maksuda.ataniyazova@mail.ru](mailto:maksuda.ataniyazova@mail.ru), ORCID:0009-0000-9403-6693*

### **JEL Classification: D23,H41,L33**

**Аннотация.** Бугунги кунда иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида давлат-хусусий шериклиги механизмидан фойдаланиш ривожланишининг муҳим йўналиши сифатида қаралмоқда. Шундай экан, давлат-хусусий шериклиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб, давлат ҳокимияти ҳамда инвесторлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларга молиявий ресурсларни жалб қилишнинг муҳим манба ҳисобланади. Ушбу масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, мақолада давлат-хусусий шериклиги муносабатларини ташкил этишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган бўлиб, ушбу илгор тажрибалардан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари тадқиқ қилинган. Қонунга кўра давлат-хусусий шериклик — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини

бирлаштиришига асосланган ҳамкорлигидир.

Хусусий сектор имкониятлари ва салоҳиятини жалб этиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида хорижий мамлакатларнинг инфратузилмани ривожлантириш борасида давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этишнинг илгор тажрибаларини ўрганиш ва маҳаллий даражада амалиётга қўллаш имкониятларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Давлат ДХШ дастурларини самарали амалга ошириш учун қонунчиликни такомиллаштириш соҳасида, давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус институтларни яратиш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқишида муҳим роль ўйнайди.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида турли молиявий механизмлар тадқиқ этилган.

Давлат ҳамда хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни тўғри йўлга

қўйишда хорижий мамлакатлар тажрибасига асосланиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда ривожланган давлатларда инфратузилманинг янги шакллари яратиш ва тартибга солишда давлат ва хусусий секторнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш назарда тутилади. Жаҳон миқёсида ДХШ механизмини самарали жорий этишда ҳар бир мамлакат мустақил тарзда ДХШ моделлари, унинг шакллари ва механизмларини аниқлайди.

Иқтисодий адабиётларда давлат ва хусусий сектор ўртасида шериклик муносабатлари ривожланиш хусусиятлари, жаҳонда давлат-хусусий шериклиги механизмини самарали жорий этиш моделлари, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат-хусусий шериклигидан фойдаланиш соҳаси ва йўналишлари иқтисодчи олимлар томонидан илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатдан кенг қамровли тадқиқ этилган.

**Abstract.** Today, the use of the mechanism of public-private partnership in every sector of the economy is considered as an important direction of development. Therefore, public-private partnership is an important means of ensuring the socio-economic development of the country, and is an important source of attracting financial resources to investment projects implemented in cooperation with the state authorities and investors. Based on the relevance of this issue, the article examines the experience of foreign countries in the organization of public-private partnership relations, and explores the possibilities of using these best practices in Uzbekistan. According to the law, a public-private partnership is a partnership between a public partner and a private partner based on pooling their resources for the

implementation of a legally formalized public-private partnership project for a certain period of time.

The state plays an important role in the field of improving legislation for the effective implementation of PPP programs, in the creation of special institutions for the support of public-private partnerships, and in the development of financial support mechanisms.

Various financial mechanisms have been studied in the practice of developed countries.

It is important to build on the experience of foreign countries in establishing cooperation between the state and the private sector. Currently, it is envisaged to strengthen the cooperation of the public and private sectors in the creation and regulation of new forms of infrastructure in developed countries. In the effective implementation of the PPP mechanism on a global scale, each country independently determines the PPP models, its forms and mechanisms.

In the economic literature, the features of the development of partnership relations between the state and the private sector, the models of the effective implementation of the public-private partnership mechanism in the world, the areas and directions of the use of the public-private partnership in developed and developing countries have been comprehensively researched by economists in a scientific, theoretical and methodological way.

**Калим сўзлар:** хусусий сектор, давлат-хусусий шериклиги, лойиҳа самарадорлиги, хавф-хатарлар, бюджет самарадорлиги.

**Keywords:** private sector, public-private partnership, project efficiency, risks, budget efficiency.

**Кириш.** Иқтисодийнинг кўплаб тармоқлари ва соҳаларида давлат томонидан кўллаб-қувватлаш ва ҳамкорликни талаб этмоқда. Давлат-хусусий шерикликни қўллашнинг турли шакллари, механизмлари ва йўналишлари стратегик вазифаларни – инфратузилмани яратиш ва ривожлантиришдан тортиб, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишгача бўлган вазифаларни ҳал этиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан сўнги йилларда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бундан келиб чиқиб, ушбу мақолада замонавий шароитда давлат-хусусий шерикликнинг усуллари, шакллари ва механизмларини, хусусан, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш долзарблиги ошмоқда.

Давлат ДХШ дастурларини самарали амалга ошириш учун қонунчиликни такомиллаштириш соҳасида, давлат-хусусий шерикликни кўллаб-қувватлаш бўйича махсус институтларни яратиш ҳамда молиявий кўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди.

Шу нуқтаи назардан, иқтисодий тараққиётни таъминлашда давлат хусусий шериклик аҳамиятидан келиб чиқиб, давлат-хусусий шериклик, шу жумладан концессиялар соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Қонунга кўра давлат-хусусий шериклик — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини

бирлаштиришига асосланган ҳамкорлигидир.

Давлат ҳамда хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни тўғри йўлга қўйишда хорижий мамлакатлар тажрибасига асосланиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда ривожланган давлатларда инфратузилманинг янги шакллари яратиш ва тартибга солишда давлат ва хусусий секторнинг ҳамкорлигини мустақамлаш назарда тутилади. Жаҳон миқёсида ДХШ механизмини самарали жорий этишда ҳар бир мамлакат мустақил тарзда ДХШ моделлари, унинг шакллари ва механизмларини аниқлайди.

**Материал ва метод.** Иқтисодий адабиётларда давлат ва хусусий сектор ўртасида шериклик муносабатлари ривожланиш хусусиятлари, жаҳонда давлат-хусусий шериклиги механизмини самарали жорий этиш моделлари, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат-хусусий шериклигидан фойдаланиш соҳаси ва йўналишлари иқтисодчи олимлар томонидан илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатдан кенг қамровли тадқиқ этилган.

Хорижлик иқтисодчи олим Дж.К.Гелбрейт [3, 200-250 б.] ўз асарида давлат ва бизнес ўртасида шерикчилик муносабатлари, инвестицион маблағларнинг шаклланиши, давлат-хусусий шериклигининг концептуал асослари каби йўналишларни тадқиқ қилган.

Давлат-хусусий шерикликнинг илмий назарий асослари, хусусий инвестицияларни тартибга солиш масалалари, рақобат муҳитининг шаклланиши учун давлатнинг иқтисодий функцияларидан фойдаланишнинг шарт-шароитлари билан боғлиқ муаммолар Ж.М.Кейнс [6], Й.А.Шумпетер [15],

Ж.Пьер, Ж.Г.Петерс [17] асрларида ёритиб берилган.

Россиялик олимлар В.Г.Варнавский, [1, 45-85 б.], В.А.Кабашкин [5, 15-18 б.], Е.Д.Фролова [12, 31-32 б.] ва бошқалар асарларида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимининг шаклланиши, «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни, мақсад ва вазифалари, таркиби ва моделлари, давлат ва жамоатчилик мулк объектлари билан боғлиқ йўналишлари ўрганилган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлар С.Э.Элмирзаев, Н.Ш.Шавкатов [13], Г.Утемурадоваларнинг [10] тадқиқотларида давлат-хусусий шериклик муносабатларининг тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари, давлат-хусусий шерикликнинг асосий шакллари тадқиқ қилинган.

**Натижалар.** Тадқиқот жараёнида давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга методологик ёндашувнинг илмий асослари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини реализация қилиш, давлат-хусусий шерикликнинг асосий йўналишлари, ушбу механизмни жорий этиш бўйича чекловлар, давлат рискларини тизимли тартибда аниқлаш ва таснифлаш мезонларининг шаклланиши бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик, тизимли ва илмий ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил ҳамда гуруҳлаш усуллари билан фойдаланилди.

**Мунозара.** Инфратузилмани ривожлантириш бугунги кундаги асосий масалалардан бири сифатида талқин этилмоқда, чунки ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг салбий ўзгариши давлат томонидан муҳим ҳамиятли

вазифаларни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишга инвестицияларни жалб қилиш муҳим вазифа сифатида белгиланган, аммо маблағлар чекланганлиги шароитида ушбу йўналишни ривожлантириш имкониятлари қисқаради. Шу муносабат билан, ушбу жараёнга хусусий сектор имкониятлари ва салоҳиятини жалб этиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида хорижий мамлакатларнинг инфратузилмани ривожлантириш борасида давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этишнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва маҳаллий даражада амалиётга қўллаш имкониятларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Давлат-хусусий шериклик қўйидаги вазифаларни ҳал қилади:

- давлат бюджети юқини камайтириш учун хусусий ресурсларни жалб қилиш;
- давлат активларини самарали бошқариш учун хусусий шерикнинг бошқарув кўникмаларини жалб қилиш;
- инвестицияларни жалб этиш орқали инфратузилма объектларини модернизациялаш;
- давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик доирасини кенгайтириш.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида турли молиявий механизмлар мавжуд бўлиб, улар асосида ДХШ амалга оширилади. Ушбу механизмлар қўйидагилардан иборат:

- 1) турли хил даражалардаги бюджет ресурслари;
- 2) давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари маблағлари;
- 3) хусусий сектори маблағлари;

4) жамоат ва нотижорат тузулмалар маблағлари;

5) молиявий ташкилотлар ва кредит муассасаларининг кредит ресурслари;

6) қўшма корхоналар томонидан қилинадиган қимматли қоғозлар эмиссияси;

7) хорижий мамлакатлар ва хусусий инвесторларнинг маблағлари;

8) жисмоний шахслар ихтиёридаги маблағлар ва бошқ.

Жаҳонда мавжуд ДХШ моделлари кўйидагилардан иборат:

1. Оператор модели (чиқиндиларни қайта ишлашда кенг қўламда оммалашди, давлатнинг назорат функцияларини сақлаб қолган ҳолда давлат ва хусусий шерик ўртасида масъулиятни аниқ тақсимланиши орқали ифодаланади).

2. Кооперация модели (маълум бир хизматлар амортизация ажратмалари ва солиққа тортиш объектлари томонидан аниқ белгиланмаган ҳолатларда қўлланилади).

3. Концессия модели (лойиҳани реализация қилиш муддати узок бўлган соҳа ва тармоқларда, шунингдек, мулкий ҳуқуқни давлатдан хусусий шерикка ўтказиш сиёсий ёки ҳуқуқий сабабларга кўра рад қилинган ҳолларда қўлланилади).

4. Шартномавий модел (биринчи навбатда жорий харажатларни пасайтиришга йўналтирилган инвестицияларда фойдаланилади).

5. Лизинг модели (жамоат (ижтимоий) биноларини куриш учун энг мувофиқ келади. Жаҳон амалиётида маҳаллий ҳокимият органлари ва хусусий бизнес ўртасида ҳамкорликнинг лизинг шакллари бўйича жуда катта тажриба тўпланган).

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, ДХШни қўллаш соҳалари ва йўналишлари иқтисодиётнинг турли хил тармоқларида амалга оширилиши мумкин:

– транспорт – турли йўналишдаги транспорт тармоқларини (хусусан, шаҳар транспорти) ўз ичига қамраб олиб, йўл ҳаракатини бошқариш тизимини куриш, хизмат кўрсатиш, жорий этиш каби лойиҳалар;

– уй-жой ва коммунал хўжаликлари – аҳолига хизматлар кўрсатиш; коммунал хўжаликлар тармоқларини эксплуатация қилиш;

– кўчаларни тозалаш, ахлат ва чикит ташиб кетиш ҳамда утилизация қилиш;

– экология соҳаси – табиий ресурслардан фойдаланиш ва экотуризмни ривожлантириш асосида даромадга эга бўлиш ҳуқуқини қўлга киритиш орқали ҳудудларда боғлар яратиш, уларга хизмат кўрсатиш ва кенгайтириш;

– кўчмас мулк соҳасида – тижорат лойиҳаларида қатнашиш ва бинолар куриш, ижтимоий бинолар ва муниципал уй жойлар куриш ҳамда уларни ишга тушириш;

– жамоат (ижтимоий) тартиби ва хавфсизлиги соҳасида – хусусий корхоналар хизмат, транспорт ва жамоат жойларида тартибни сақлаш; тўхташ жойларини ташкил этиш ҳамда хизмат кўрсатиш;

– телекоммуникация соҳасида – инфратузилмани шакллантириш ва истеъмолчиларга хизматларни тақдим қилиш;

– молия-кредит соҳасида – мажбурий ижтимоий суғурта ва давлат

пенсия таъминоти соҳасига бошқарув компанияларини жалб қилиш;

– таълим соҳасида – бинолар қуриш ва туташ бўлган ҳудудларни ривожлантириш ҳуқуқига эга хусусий компаниялар ва фирмалар томонидан мактаб ва бошқа таълим муассасалари қуриш ва уларни жиҳозлаш.

**Буюк Британия.** Буюк Британия биринчилардан бўлиб, ДХШ механизмидан фойдаланишга эришди: ХХ асрнинг 90 йилларидан бошлаб, ҳукумат ва бизнес ўртасидаги яқин ҳамкорликни рағбатлантиришга қаратилган биринчи комплекс дастур бўлган «Хусусий молиявий ташаббус» - (The Private Finance Initiative, PFI) дастури ишга туширилди [19].

«Хусусий молиявий ташаббус»нинг моҳияти қуйидагиларда намоён бўлади: хусусий сектор давлат хизматларини тақдим қилиш ва кўрсатиш ишларини молиялаштиради, оқилона ва адолатлилик нуқтаи назаридан, бу хизматлар ва ишлар истеъмолчилар томонидан эмас, балки давлат томонидан тўланади. Ушбу хизматлар ва иншоотлар жамоат жойлари, шифохоналар, мактаблар ва магистрал йўлларни ёритишни ўз ичига олиши мумкин. Шу сабабли, «Хусусий молиявий ташаббус» «яширин концессия» деб ҳам аталади, чунки харажатлар якуний фойдаланувчилар томонидан фақат билвосита: давлат аппарати орқали тўланади [20].

Буюк Британияда давлат-хусусий шериклик асосида инфратузилмавий лойиҳаларини амалга ошириш тажрибасида давлатнинг роли хусусий сектор билан боғланиш орқали объектларни қуришни бошлашдан иборат бўлиб, ушбу лойиҳаларни бошланғич молиялаштирилиши кўзда тутилмаган.

Лойиҳа тугатилгандан сўнг, қурилган объектлардан фойдаланаётган хусусий субъектлар давлатдан мунтазам тўловлар олиб борди, бу эса тадбиркорлик субъектларига давлат тўловлари орқали нисбатан паст хавфга эга ижара тўловларини олиш имконини берди. ДХШ самарали механизм сифатида бундай лойиҳаларнинг хавфлилиги пастлиги ва халқаро молиялаштириш манбаларини жалб қилиш имконияти туфайли кенг тарқалди. Кейинчалик, ДХШ механизми доимий равишда такомиллаштирилди, лойиҳалар иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида амалга оширилди. ДХШ механизми орқали инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт инфратузилмаси ва бошқа соҳаларда амалга оширилмоқда. Маҳаллий бошқарув органларига тендерда иштирок этувчи хусусий сектор вакилларини танлаш имконияти берилган.

Буюк Британия ДХШ модели қуйидаги хусусиятларга эга:

– давлат шериги хусусий шахснинг харажатларини қоплаш ва объект фойдаланишга топширилгандан сўнг рентабеллик даражасини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган;

– давлат бюджетдан мунтазам тўловларни амалга оширади.

Бугунги кунда Британия ҳукумати давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қуйидаги асосий шаклларини аниқлайди:

1) акциялаштириш - аралаш корхоналар ташкил этиш ёки давлат компанияси акцияларининг бир қисмини сотиш йўли билан давлат мулкани хусусий тадбиркорлик қўлига ўтказиш;

2) хусусий молиявий ташаббус – давлат ва хусусий шериклар ўртасида давлат мулкани қуриш, молиялаштириш,

бошқариш, улардан фойдаланиш бўйича узоқ муддатли шартномалар тузиш;

3) аутсорсинг - давлат функцияларини бизнесга ўтказиш.

– Бугунги кунда Буюк Британияда PF2 модели амалиётда жорий этилган. Ушбу моделнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

– бюджет самарадорлигини ошириш;

– шаффофликни таъминлаш учун давлат лойиҳаларда миноритар инвестор бўлишга интилади (30 фоиздан кўп бўлмаган);

– шартномаларда аниқ акс эттирилган хавфларни тақсимлаш;

– харидларни марказлаштириш;

– қарз олиш имконияти соддалаштирилганлиги.

**Франция.** ДХШ механизми орқали инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг француз модели давлат, маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек, турли даражадаги куч тузилмаларини интеграциялашуви билан ифодаланади. Ташкилий вазифалар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юкланган (танловни ўтказиш ёки шартнома имзолаш).

Парламент акти ёки ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши Францияда ДХШ учун асос бўлиб хизмат қилади. Фаолияти ДХШ тамойиллари асосида амалга оширилаётган хорижий компаниялар етакчи ўринларни эгаллаган француз компаниялари томонидан ҳам тақдим этилган. Француз компаниялари томонидан "Француз модели" сифатида қабул қилинган концессия модели яратилган ҳамда бугунги кунда фаол ривожлантирилмоқда.

Ушбу моделнинг хусусиятларига қуйидагилар киради: концессияга ўтказиладиган давлат мулкани концессионер томонидан хусусийлаштиришнинг мумкин эмаслиги. Концессионер концессиянинг ўзи учун ҳам, инфратузилма объектларини яратиш ёки модернизация қилиш ва улардан фойдаланишга қаратилган чоратadbирларни амалга ошириш учун ҳам жавобгардир (концессиянинг ажралмас хусусияти). ДХШ шартномаларини тартибга солувчи етарли миқдордаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлигига қарамай, уларда "давлат-хусусий шериклик шартномаси" тушунчаси белгиланмаган. Францияда ДХШ қуйидаги шаклларда амалга оширилади.

1-жадвал

**Францияда давлат хусусий шерикчилик шакллари**

Концессия	Концессионер (концессия берувчи номидан) давлат инфратузилмасини қурилишида иштирок этади ёки давлат хизматларини кўрсатади; объектни ишлатиш жараёнида концессионер хавф-хатарни ўз зиммасига олади. Рағбатлантириш сифатида концессионер хизмат истеъмолчиларидан тўловларни олади (кўпинча бу давлат томонидан молиялаштирилади, агар белгиланган коэффицентдан ошмаса, бу хусусий хавфни сезиларли даражада камайтириши мумкин).
-----------	--

Ижара шартномасини имзолаш	шартноманинг мақсади - давлат хизматини кўрсатиш ("affermage"). Объект мавжуд бўлиб, давлат хизматини кўрсатиш учун фойдаланилиши керак бўлган тарзда ушбу шартнома шаклидан фойдаланилади. Бунда ижара шартномаси қисман инфратузилма лойиҳасини эксплуатация қилиш ва сақлаш учун тузилади.
Ҳамкорлик шартномаси	иқтисодий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида бундай ушбу шартнома тузилади. Давлат органи ва хусусий шерик томонидан тақдим этилган тадбиркорлик субъекти ўртасидаги таваккалчиликни тақсимлаш ушбу шаклнинг асосидир. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар хусусий шерикнинг молиявий қўллаб-қувватлаши ва давлат томонидан тўланадиган тўловларни олдиндан белгилаб беради. Шартномада мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун жарималар тизимига алоҳида эътибор берилади.

**Америка Қўшма Штатлари.** АҚШда хусусий сектор ва давлат ўртасидаги ўзаро таъсир ва муносабатлар механизми ҳам муваффақиятли қўлланилади. Инвестицияларни жалб этишда бундай ҳамкорликни ривожлантириш бўйича АҚШ тажрибасига баҳо берадиган бўлсак, 2005-йилда тузилган Давлат-хусусий шериклик бўйича Миллий Кенгаш (The National Council for Public-Private Partnerships, NCPPP) фаолиятини қайд этиш лозим. Бу институтнинг мақсади федерал, штат ва маҳаллий даражада ДХШларни самарали ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишдир. Миллий Кенгаш маълумотларига кўра, АҚШнинг ДХШ механизми орқали амалга оширилган инфратузилма лойиҳалари 200 йилдан ошган ва ҳозирда 1000 га яқин лойиҳа амалда.

АҚШда ДХШларни тартибга солувчи федерал қонун йўқ. Аксарият штатлар лойиҳаларни муайян соҳаларда мавжуд маҳаллий қоидаларга асосланиб амалга оширадilar. Статистик маълумотларга кўра, аҳоли эҳтиёжларини

қондириш мақсадида кўрсатилаётган 65 та асосий коммунал хизматлардан 23 таси хусусий шериклар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу йўналиш йилдан йилга ривожланмоқда, инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг анъанавий усулларига нисбатан самаралидир. ДХШ механизми орқали таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида инфратузилма лойиҳалари амалга оширилмоқда. АҚШ телекоммуникациялар лойиҳалари хусусий ташкилотлар томонидан бошқарилади, ҳамда нефть ва газ саноатида давлат корхоналари мавжуд бўлмаган кам сонли давлатлардан биридир.

Канада. Канада федерал тузилишга эга штат бўлганлиги сабабли, бу мамлакатда ДХШ ривожланиши 1980-йилларда бошланган. вилоят даражасида. Бу йўналишнинг ривожланишига Онтарио, Британия Колумбияси, Алберт ва Квебек провинциялари алоҳида ҳисса қўшдилар.



Масалан, Онтариода давлат инфратузилма корпорацияси ДХШ дастурларини амалга оширмоқда.

Миллий даражада Инфратузилма Канада ва Давлат-хусусий шериклик бўйича Канада Кенгаши муҳим роль ўйнайди. Иккинчисининг асосий масъулияти ахборот консалтинг, таҳлилий ва энг яхши ДХШ амалиётларини тарқатишни ўз ичига олади, Канада инфратузилма вазирлиги эса ДХШ фонди (The P3 Canada Fund) маблағларини тақсимлайди.

ДХШ жамғармаси турли соҳаларда ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятларни қўллаб-қувватлаш воситаларидан биридир. Молиялаштириш бир неча усуллар орқали амалга оширилади ва маблағларни тақсимлаш рақобат асосида амалга оширилади. Шунини таъкидлаш керакки, Жамғарма ёрдамнинг максимал миқдори лойиҳанинг умумий қийматининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

**Германия.** Германия банклари ва бошқа молия институтлари ДХШларни ривожлантиришнинг фаол иштирокчиларидир. Германия қонунчилиги инвестицияларни жалб қилишнинг ушбу шакли салоҳиятини ошириш зарурлигини тан олди.

Германияда “Давлат-хусусий шерикликни амалга оширишни жадаллаштириш ва улар учун умумий ҳуқуқий шарт-шароитларни такомиллаштириш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши солиқ ва бюджет қонунчилигининг айрим бандларини, давлат буюртмаларини жойлаштиришни тартибга солиш ва хусусий инвесторлар ҳисобига автомобиль йўллари қурилишини

молиялаштириш нормалари қайта кўриб чиқилган.

Германияда ДХШни ишлаб чиқиш ДХШ марказларининг ривожланган инфратузилмаси (ДХШни ривожлантириш бўйича оператив гуруҳлар) томонидан амалга оширилади. Улар лойиҳа, мувофиқлаштириш, консалтинг, илмий ва услубий фаолиятни амалга оширадilar. Марказлар алоҳида федерал штатлар даражасида (ДХШни ривожлантириш бўйича оператив гуруҳлар), шунингдек, федерал даражада мавжуд. Мамлакатнинг деярли барча туманларида ДХШ марказлари ташкил этилди, “Германия ҳамкорлиги” консалтинг компанияси очилди.

Инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ДХШ объекти давлат мулкига айланади ва хусусий тузилмалар зиммасига маълум муддат давомида уларнинг тўлиқ ҳолатини сақлаш мажбурияти юкланади.

**Хулоса.** Юқорида келтирилган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида ДХШ доирасида томонларнинг асосий вазифаларини ажратиб кўрсатиш ҳамда асосий қуйидаги тамойилларга асосланиши мақсадга мувофиқдир:

– давлат ва хусусий сектор ўртасида барқарор муносабатларни шакллантириш, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш, муҳим инфратузилма объектларини ривожлантириш ва модернизация қилишни таъминлаш, давлат (вилоят, туман) учун муҳим бўлган лойиҳаларга хусусий сектор вакиллари жалб қилишни фаоллаштириш мақсадида вилоятларда ДХШ марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир;

– лойҳанинг барча иштирокчилари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш;

– стратегик мақсадни аниқлаш иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларини босқичма-босқич ҳамда изчиллик билан ривожлантиришга йўналтирилиш;

– иқтисодий тенглик ва масъулият. Унинг моҳияти шундан иборатки, ДХШнинг барча иштирокчилари масалаларни ҳал қилиш ва мақсадларга эришишнинг оптимал вариантларини аниқлашда тенг ҳуқуққа эга бўлади. Ҳар бир иштирокчи ўз мажбуриятлари бўйича жамият олдида тўлиқ масъул бўлиши керак;

– давлат корхоналари ва ташкилотлари фаолиятининг технологик жараёнларини такомиллаштириш ва инновацияларни жорий этиш;

– ДХШ қатнашчиларининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини

яхшиланишига хизмат қилувчи сифатли шерикликни амалга ошириш;

– давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ўсиши ва хизматлар сифатини ошириш;

– ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим мезони синергетик самарага эришиш ҳисобланади.

– хизмат кўрсатиш соҳасини бошқаришнинг ташкилий тизимини оптималлаштириш. Умуман ДХШ лойиҳаларининг моҳияти қурилиш, қайта таъмирлаш, модернизациялаш, хусусий сектор томонидан инфратузилма объектлари эксплуатация қилиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда келишув асосида жамоат хизматларини тақдим қилиш бўйича давлат сектори функцияларини узатишдан иборат.



## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие. – М.: ГУ-ВШЭ, 2010.
2. Государство и бизнес: институциональные аспекты. - М.: ИМЭМО РАН, 2006. - С. 40.
3. Гэлбрейт, Дж.К. Экономические теории и цели общества = Economics and the Public Purpose (1973) / Под общ. ред. и с предисл. Н. Н. Иноземцева, А. Г. Милейковского. – М.: Прогресс, 1976. – 408 с.
4. Джуманиязов У.И. «Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарий-услубий масалалари» // «Иқтисодий ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. 2017 йил № 3, май-июнь, 9-б.
5. Кабашкин В.А. Формирование и развитие партнерских отношений государства и предпринимательских структур в Российской Федерации (управленческий аспект): автореф.. дис. докт. экон. наук:08.00.05/ В.А. Кабашкин.- М., 2007. - С. 23
6. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. сангл. проф. Н.Н.Любимова, под. ред. д.э.н., проф. Л.П.Куракова. – Москва: МИЭМП, 2010.
7. Кукура С П. Теория корпоративного управления/ С П.Кукура - М.: Экономика, 2004. - С. 105.
8. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. Принципы, проблемы, политика. – М.: Республика, 1992. Т. II. – С. 398.
9. Национальные инновационные системы в России и ЕС / под ред. Иванова В.В., Клесовой С, Линдхольма П., Лукши О.П. – М.: ЦИПРАН РАН, 2006. – С. 200.
10. Утемуратова Г.Х. Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилиги ривожланишининг методологик асосларини такомиллаштириш. Диссертация автореферати. 2023 й.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/4329270>
12. Фролова Е.Д. Основные тенденции развития взаимоотношений государства и бизнеса/ Е.Д. Фролова // Вестник УГТУ-УПИ. - 2003. - № 7. - С. 31.
13. Шарингер Л. Новая модель инвестиционного партнерства государства и частного сектора / Л. Шарингер //Мир перемен. - 2004. - № 2. – С. 22.
14. Шумпетер Й.А. История экономического анализа в 3 тт. – СПб.: Экономическая школа, 2004.
15. Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019.
16. Атаниязова М. (2016). Направления эффективного развития рынка труда в Республике Узбекистан. *Экономика и инновационные технологии*, (1), 98–106. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/8614](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/8614)



17. Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш. Дисс. икт. фанларидан PhD. – Самарқанд: СамИСИ, 2018. 30-31-б.
18. Peters J.G, Pierre J. Governance Politics and the State (Political Analysis). – N.Y., 2000.
19. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: Изд. дом Гос. Ун-та - Высшей школы экономики. 2010. – 287 с.
20. Dochia, Parker M. Introduction to Public-Private Partnerships with Availability Payments // Public Works Financing newsletter. Режим доступа: [http://www.Pwfinance.net/document/research\\_reports/9%20intro%20availability.pdf](http://www.Pwfinance.net/document/research_reports/9%20intro%20availability.pdf) (дата обращения: 12.02.2016).